

## «Санкт-Петербург» масжиди



15:00 / 07.04.2021 1812

«Санкт-Петербург» масжидининг дизайни «Шоҳ мақбараси» деб таржима қилинган «Гўри-Амир» деб номланган Самарқанддаги Темурийлар мақбараси асосида яратилган. Ушбу қурилиш кўплаб дизайнерларга, шу жумладан, Санкт-Петербург масжидини лойиҳалаштирган Николай Василевга таъсир кўрсатган муҳим архитектура асаридир.

«Санкт-Петербург» масжидининг энг ўзига хос хусусиятларидан бири бу гумбаз ва минораларни безаб турган ёрқин мовий керамик плиталардир. Шунингдек, масжиднинг кириш эшигининг тепа қисмида геометрия ва хаттотлик ёрдамида Қуръон оятлари ёзилган.

**Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи**